



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№4/2

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров
PhD, доцент И.М.Пардаева
А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мурод Мухаммедович Мухаммедов Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари	5
Sanjarbek Komiljon o‘g‘li Boyjigitov Don va un mahsulotlari bozorida iste‘molchi xulq-atvori mezonlarini qo‘llash imkoniyatlari	11
Шавкат Собирович Олтаев Рақамли иқтисодиёт шароитида аҳоли турмуш даражасининг иқтисодий мазмуни ва уни ўлчаш кўрсаткичлари	14
Shirinboy Bo‘ron o‘g‘li O‘razaliyev Funksiya hosilasining iqtisodiyotdagi o‘rni	17
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Сарвар Аюбовна Исхакова Развитие сферы услуг в условиях цифровой трансформации национальной экономики	20
Шехроза Маджитовна Каримова Инновации в сфере услуг общественного питания	25
Рахима Жамshedовна Курбанова Хизмат кўрсатиш корхоналарини рақамли иқтисодиётга ўтказишни татбиқ этиш модели	28
Зарина Муродовна Мухаммедова Хизматлар соҳасида инвестицион ресурсларни инновацияларга йўналтириш механизмлари	34
Eldor Anvarovich Nozimov Xizmat ko‘rsatishda elektron tijoratni samaradorligini oshirish	39
Shohista Baxriddin qizi Turdiyeva Elektron savdo va uning o‘ziga xos jihatlari	42
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Жунайдилло Садиевич Файзиев Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш – иқтисодий ривожланиш гаровидир	45
Ғайрат Яхшибаевич Пардаев, Акрам Джуракулович Ғафуров, Рузбой Нормаматов Грек ёнғоғи мевасининг истеъмол қиймати ва ёнғоқ етиштиришда кўрсатиладиган хизматларнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш	50
Shohruh Zafar o‘g‘li Jalilov Bog‘dorchilik tarmog‘ida investitsion faoliyatining nazariy asoslari	53
Muslimaxon G‘ayratjon qizi Sotvoldiyeva Ekologik va iqtisodiy barqarorlikni ta‘minlashda suv resurslarining ahamiyati va boshqaruvi	57
МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусовна Пардаева, Мирзо Улугбекович Болтабоев Меҳнат бозори трансформациясида “юмшоқ” кўникмалар ва ижтимоий ҳимоянинг аҳамияти	62

ЎУТ: 634.5: 338.43.

Ғайрат Яхшибаевич Пардаев – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси,

Акрам Джуракулович Ғафуров – СамИСИ катта ўқитувчиси,

Рузбой Нормухоматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

ГРЕК ЁНҒОҒИ МЕВАСИНИНГ ИСТЕЪМОЛ ҚИЙМАТИ ВА ЁНҒОҚ ЕТИШТИРИШДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада ёнғоқ мевасининг истеъмол қиймати бажарилган илмий тадқиқот ишлари асосида ёритилиб, ёнғоқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: ёнғоқ, грек ёнғоғи, ёнғоқ етиштириш, агротехник тадбирлар, илм - фан, кредит ресурслари, ташкилий - иқтисодий механизмлар, озуқавий қиймати, оксил, ёғ.

Кириш. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг овқатланиш структурасида ҳўл мевалар ва уларни қайта ишлаб олинган маҳсулотлар муҳим ўрин тутди. Республиканинг қулай табиий иқлим шароити эса айнан боғдорчиликни ривожлантиришга имконият яратади. Шу сабабли ҳам ширин-шакар меваларимиз ва уларни қайта ишлаб олинган маҳсулотлар кўплаб хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда, айнан шу борада ёнғоқ меваси тоифасига кирувчи грек ёнғоғи ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23 октябрь 2019 йилда қабул қилинган ПФ-5853 - сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармонида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамоилларини кенг жорий этиш, сифат назорат инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилган (1). Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1- июнь 2017 йилда қабул қилинган “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори ҳам, лалми ерларда ёнғоқзорларташқил этиш ёнғоқлардан фойдаланишни рағбатлантириш ва самарадорлигини янада ошириш, ички ва ташқи бозорларда рақобат бардош бўлган ёнғоқ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига замонавий ёнғоқ плантацияларни барпо қилиш ҳамда ёнғоқ етиштириш бўйича илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни жорий этишга катта эътибор қаратилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мевалар хусусан ёнғоқ меваларнинг озуқавий қиймати, улардан оқилона фойдаланиш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Масалан, бу борада мамлакатимизда илмий ишлар олиб борган тадқиқотчилар қаторига академик М.Мирзаев нолмидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти илмий ходимлари, шунингдек собиқ Самарқанд кооператив институти “Озиқ-овқат товаршунослиги” кафедраси пофессор ўқитувчилари З.В.Каробкина, А.В.Нацвин, Г.Н.Кругляков, С.В.Мурадова, В.С.Капул, М.Х. Абдинова, Р.Нормухоматовлар ҳисобланади. Бу соҳада Россия олимларидан Ф.В. Цереветинов, В.Г. Сперанский, А.А.Колесник, М.Н. Журавлева, М.А.Николаева, Л.В. Метлицкий, Л.Г.Елизарова ва бошқаларнинг киритиш мумкин, шунингдек, аграр соҳада дехқончилик маҳсулотларини етиштириш борасида илмий – назарий, методологик муаммолари билан мамлакатимизда бир қатор иқтисодчилар шуғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига Абдуллаев Ё.А., Пардаев М.Қ., Муртазаев О., Мирзаев Қ.Ж., Холикулов А.Н., Худайбердиев У.Х. кабиларни киритиш мумкин.

Тадқиқот методологияси. Грек ёнғоғининг истеъмол қийматини баҳолашда қиёсий таҳлил, иқтисодий статистик таҳлил, таҳлилнинг мантиқий ва тақослама усуллари, физикавий ва кимёвий усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Маълумки, XXI асрда инсоният дуч келган муаммолардан бири ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши имкониятларнинг чекланганлиги ўртасидага тафовут натижасида вужудга келган сайёраамизнинг аҳолисини озиқ - овқатга бўлган талабини қондириш муаммосидир. Шу сабабли бизнинг мамлакатимизда ҳам мустақилликга эришганимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратила бошлади. Бу муаммоларни ҳал қилишнинг бирдан – бир йўли эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, бу соҳада илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш, озиқ-овқат маҳсулотларидан тежаб-тергаш фойдаланиш асосида нобудгарчиликни камайтириш ҳисобланади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари орасида ўз ўрнини бошқа озиқ-овқат билан алмаштириб бўлмайдиган маҳсулот, бу мевалар, хусусан ёнғоқ мевалари ҳисобланади. Республикаимизда ёнғоқ мевалари орасида грек ёнғоғи кенг тарқалганлиги алоҳида диққатга сазавордир. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Сервис” кафедраси мустақил изланувчиси Ғ.Я.Пардаев тадқиқотларига кўра, грек ёнғоғининг асосий таркибий қисмини ёғ ташкил этади. Ёғнинг миқдори грек ёнғоғининг помологик навига қараб 60-68% ни ташкил этади (3). Шунингдек грек ёнғоғи мағзидан тўлиқ қийматли оқсил манбаи сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Бизнинг ўтказган тадқиқот ишларимиз грек ёнғоғида оқсилнинг миқдори ўтрача 12,77 % ни ташкил этди. Маълумки, оқсилнинг биологик қийматини белгиловчи муҳим кўрсаткич унинг аминокислота таркиби ҳисобланади.

Оқсил таркибига кирувчи аминокислоталар инсон организмда бошқа аминокислоталардан синтез бўлиши ва бўлмаслигига қараб ўрин алмашинмайдиган ва ўрин алмашинадиган аминокислоталарга бўлинади. Оқсил таркибида 8 та ўрин алмашинмайдиган аминокислоталарнинг ҳаммасининг бўлиши унинг тўлиқ қийматли оқсил эканлигини кўрсатади. Тадқиқот натижалари бўйича грек ёнғоғи оқсили таркибида - треонин, валин, метионин, лейцин, изолейцин, триптофан, фенилаланин, цистеин каби ўрин алмашинмайдиган аминокислоталар аниқланди.

Грек ёнғоғи таркибида учрайдиган асосий витаминлар – бу β- каротин, А, В₁, В₂, В₅, В₆, В₉, С, Е, К витаминларини ҳисобланади. Грек ёнғоғи таркибида учрайдиган асосий макро – ва микроэлементларига эса калий, натрий, кальций, магний, рух, селен, мис, марганец, темир, фосфор кабилар ҳисобланади. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, ҳайвонот маҳсулотларини истеъмол қилмайдиган инсонлар учун грек ёнғоғи тўлиқ қийматли оқсил ва тўйинмаган ёғ кислоталарига бой бўлган ёғларнинг муҳим манбаидир.

Грек ёнғоғини доимий истеъмол қилиш катта ёшдаги одамларда атеросклероз касаллигининг келиб чиқиши эҳтимолини камайтиради, мияда қон айланишини яхшилади шунингдек қон таркибида қанд даражасини пасайтириши кўплаб илмий тадқиқот ишлари натижасида тасдиқланади. Табиийки, бугунги кунда маҳаллий хомашёлардан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш катта аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли ёнғоқ мевасини етиштиришнинг кўпайтирилиши ва ундан тайёрланган маҳсулотлар асортиментини кенгайтириш ўзига хос қизиқиш ўйғотади.

Ўзбекистон учун ёнғоқлар бозори нисбатан янги бозор ҳисобланади. У бугунги кунда шаклланиш даврида деб ҳисоблаш мумкин. Бу бозорнинг аҳамиятлиги қуйидагилар билан изоҳланади. Биринчидан, ёнғоқлар қандолатчилик, нон саноати учун ресурслар базаси ҳисобланиб, уни корхоналар томонидан мамлакат ички бозоридан сотиб олиш анча фойдали ҳисобланади. Иккинчидан, чакана савдо тизимида ёнғоқларни қадоқланган ҳолда сотишнинг мумкинлиги ва қулайлиги ҳисобланади.

Ёнғоқчиликга қизиқиш дунё миқёсида ёнғоқлар истеъмолининг барқарор ўсиш тенденциясига эга эканлиги ва дунёда аҳолиси истеъмоли маданияти шаклланиб унда табиий маҳсулотларга асосий ўрин берилаётганлиги билан тушинтирилади. Ёнғоқларга талаб нафақат озиқ-овқат саноатида, балки унинг овқатланиш корхоналари фарамацевтика саноати тизимида ҳам шаклланиб бормоқда.

Ўзбекистонда ёнғоқлар бозорини ривожлантириш учун, унинг фаолиятини самарадорлигини ошириш учун инфраструктуранинг шакллантириш талаб қилинади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, миллий иқтисодий ётигимизнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган аграр саноатни жадал ва интенсив ривожлантириш ва бу соҳада фан ютуқларини, илғор технологияларни кенг жорий этиш асосидагина аҳолининг ўрнини бошқа маҳсулот боса олмайдиган мевалар, хусусан ёнғоқларга, қайта ишлаш саноатининг эса хомашёга бўлган талабини қондириш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш мумкин бўлади.

Бу борада ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжуд бўлиб уларни бартараф этиш учун қуйидаги таклифларни берамиз.

1. Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароитида мўл ҳосил берадиган ва грек ёнғоқларининг товарлик хусусиятлари экспортбоб бўлган янги навларини яратиш бўйича илмий тадқиқот ишларини узлуксиз олиб бориш.

2. Пахта ва бошқа дон экинлари майдонларини қисқартириш ва айниқса тоғли ҳудудларда бўш ер майдонларига грек ёнғоғи экиш асосида ёнғоқзорлар ташкил этиш.

3. Ёнғоқларнинг, хусусан грек ёнғоғи етиштиришнинг замонавий агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва фойдаланиш.

4. Ёнғоқдан фойдаланиш асосида таркиби бойитилиб функционал мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган халқаро бозар талабларини ҳисобга олган ҳолда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар технологияларни яратиш.

5. Ёнғоқ меваларини қайта ишлашда тежамкор технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23 октябрь 2019 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1- июнь 2017 йилда қабул қилинган “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар уюшмасини тузилиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори.

3. Н.К.Юлдашева, Г.Пардаев, Р.Нормахматов, А.И. Глушенкова. Липиды из косточек некоторых косточковых плодов. Химия природных соединений 2017, том 53. стр 729-731.

<p>Г.Пардаев, А.Гафуров, Р.Нормахматов Потребительская ценность плодов грецкого ореха и совершенствование организационно-экономических механизмов возделывания грецкого ореха Аннотация. В статье на основе проведенных научных исследований определена потребительская ценность плодов грецкого ореха, даны предложения по повышению экономической эффективности возделывания грецкого ореха и организационно-экономическим механизмам. Ключевые слова: орех, грецкий орех, возделывание грецкого ореха, агротехнические мероприятия, наука, кредитные ресурсы, организационно-экономические механизмы, пищевая ценность, белок, жир.</p>	<p>G.Pardaev, A.Gafurov, R.Normakhatov Consumption value of walnut fruit and improvement of organizational economic mechanisms of walnut cultivation Abstract. The article highlighted the consumption value of walnut fruit based on the conducted scientific research, and made suggestions on improving the economic efficiency of walnut cultivation and organizational and economic mechanisms. Keywords: nut, walnut, walnut cultivation, agrotechnical activities, science, credit resources, organizational economic mechanisms, nutritional value, protein, fat.</p>
---	--

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 11.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.